

ШАРТНОМА № 1

Урганч шаҳри

(шаҳар, туман, кишлоқ)

20 январ 2022-йил

«Хоразм қафолатли қурилиш» маъсуляти чекланган жамияти бундан буён матнда «Сотувчи»

деб аталувчи номидан раҳбари Э.Қадиоров фаолиятини амалга оширувчи бир томондан

ва Хоразм вилояти болалар-усмирлар футбол академияси бундан буён матнда «Харидор»

деб аталувчи номидан раҳбари Ш.Ибадуллаев фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан,

қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Микдори	Нархи	Умумий қиймати	Тикет рақами	Тикет санаси
1	Нон қолипчи I-сорт	дона	2648	1500	3973500		
	Жами:				3973500		

2.1. Шартноманинг умумий қиймати ҚҚСсиз 3973500 (Уч миллион тўрт юз минг беш юз) сумми ташкил қилади.

2.2. Шартноманинг Уч миллион тўрт юз минг беш юз маблағи ҳисобидан сумми бюджетдан ташқари маблағ

ҳисобидан амалга оширилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот микдори суммасининг 30% қисmini олдиндан қолган 70% қисmini маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури _____ тулов топширикнома

(тўлов талабномаси, тўлов топширикномаси, чек аккредитив ва бошқалар)

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 3 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «20» январ 2022 йил «31» декабргача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бўтлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1% микдорда пеня тўлайди.

7.2. «Сотувчи» маҳсулотни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган ҳар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,2% пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бўтлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1% микдорида пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 0,1% микдорда жарима тўлайди.

7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлик тўловни амалга оширмаган бўлса, маблаг миқдоридан 0,1 % пеня тўлайди. лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омиборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чикиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омиборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % миқдорда жарима тўлайди.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда оғохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзоланиб бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначилик бўлимин томонидан руйхатидан утқандан кейин юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги конун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.



11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб 2 нусхада тузилган.

11.2 Ушбу шартнома Газначиликда руйхатга олингандан кейин конуний кучга қиради.

11.3. Шартномага илова:

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

Сотувчи	Харидор
Мол етказиб берувчи «Хоразм кафолатли қурилиш» маъсулияти чекланган жамияти	Хоразм вилояти болалар-усмирлар футбол академияси
Манзил: Урганч шаҳри Саноатчилар куча 17/1-уй	Манзил Урганч ш. Байналминалчи куча 18--уй
Тел 97-299-16-05 : 91-435-25-05	Тел/Факс 223-71-62
Х/Р 20208000200275723001	ш/х 1000218603323670836202017001
Банк номи Саноат қурилиш банк хоразм филиали	Бюджетдан маблаг олувчи СТИР 204757537
МФО 00853	ОКОНХ 85310
СТИР 302803754	Молия вазирлиги Ягона Газна ҳисоб варағи
ОКОНХ: 61110	Газна х/в 23402000300100001010
	«Азия» банк, Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ
	МФО 00014
	Газначилик бўлимида СТИР и 201122919
Раҳбар  Э.Б.Кадиров	Раҳбар  Ш.Ибадуллаев.

Хуқуқшунос

Изоҳ: *) — Бюджетдан маблаг олувчининг газначилик бўлимида очилган тегишли шахсий ҳисобварағи (шахсий ҳисобварақлари) қурстилади,

№ «20» январь 2022 йил